

**Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидаларига
3-6-ИЛОВА**

ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ		
1.	Тўлик: «ALFA LIFE INSURANCE» aksiyadorlik jamiyati	
	Қискартирилган: «ALFA LIFE INSURANCE» AJ	
	Биржа тикерининг номи: -	
АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ		
2.	Жойлашган ери: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, С.Азимов ва Махтумкули кўчалари кесишмаси. Индекс: 100047	
	Почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, С.Азимов ва Махтумкули кўчалари кесишмаси. Индекс: 100047	
	Электрон почта манзили: alfalife@alfalife.uz	
	Расмий веб-сайти: https://www.alfalife.uz/	
МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ		
	Муҳим фактнинг рақами: 06	
	Муҳим фактнинг номи: Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар	
	Умумий йиғилиш тури: Навбатдан ташқари	
	Умумий йиғилиш ўтказиш санаси: 22.04.2022 йил	
	Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана: 22.04.2022 йил	
	Умумий йиғилиш ўтказилган жой: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, С.Азимов ва Махтумкули кўчалари кесишмаси. Индекс: 100047	
	Умумий йиғилиш кворуми: 100%	
№	Овоз беришга қўйилган масалалар	Овоз бериш яқунлари
1.	1. «ALFA LIFE INSURANCE» АЖнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш. 2. «ALFA LIFE INSURANCE» АЖнинг «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги низомга ўзгартириш киритиш ва янги таҳрирда имзолаш.	Ягона акциядор томонидан қабул қилинди
Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорнинг тўлиқ баёни:		
1.	<p>КУН ТАРТИБИ:</p> <p>1. «ALFA LIFE INSURANCE» АЖнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш. 2. «ALFA LIFE INSURANCE» АЖнинг «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги низомга ўзгартириш киритиш ва янги таҳрирда имзолаш.</p> <p>Кун тартибидаги биринчи масала бўйича «ALFA LIFE INSURANCE» АЖ Бош директори Н.К.Якубова сўзга чиқиб, жамиятнинг суғурта маҳсулотларини рақамлаштиришни жадаллаштириш, ҳудудий тармоқлар фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида амалдаги «Автоматлаштириш ва ҳудудий тармоқларни ривожлантириш департаменти»ни «Автоматлаштириш ва суғурта маҳсулотларини рақамлаштириш департаменти» ва «Ҳудудий тармоқларни ривожлантириш департаменти»га ажратиш зарурияти юзага келганлигини</p>	

таъкидлади, шу сабабли жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини янги тахрирда тасдиқлашни таклиф этди.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Мазкур қарор иловасига мувофиқ «ALFA LIFE INSURANCE» АЖнинг янги ташкилий тузилмаси тасдиқлансин.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича «ALFA LIFE INSURANCE» АЖ Бош директори Н.К.Якубова сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги ЎРҚ-760-сонли қонунига мувофиқ акциядорлик жамияти қузатув кенгашининг аъзолари «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунда ва жамият уставида назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади, деб белгиланган. Шу муносабат билан «ALFA LIFE INSURANCE» АЖнинг «Қузатув кенгаши тўғрисида»ги низомга Қузатув кенгаши аъзоларининг ваколат муддатини 3 (уч) йил этиб белгилашни назарда тутувчи ўзгартириш киритишни ва мазкур низомни янги тахрирда тасдиқлашни таклиф этди.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича


ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. «ALFA LIFE INSURANCE» АЖнинг «Қузатув кенгаши тўғрисида»ги низомга Қузатув кенгаши аъзоларининг ваколат муддатини 3 (уч) йил этиб белгилашни назарда тутувчи ўзгартириш киритилсин ва мазкур қарор иловасига мувофиқ «ALFA LIFE INSURANCE» АЖнинг «Қузатув кенгаши тўғрисида»ги низом янги тахрирда тасдиқлансин.

2. «ALFA LIFE INSURANCE» АЖ Бош директори тасдиқланган ички меъёрий ҳужжатлар билан маъсул шахсларни таништирсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш «ALFA LIFE INSURANCE» АЖ Бош директорига юклатилсин.

Бош директор



Якубова Н.К.

Бош бухгалтер

Камалова Ф.М.

Веб-сайтда ахборот
жойлаштирган ваколатли шахс

Таиров А.Ш.